

۱۳۱۳

ИЛОҲИЙ
ҲАДИСЛАР



ИЛОҲИЙ ҲАДИСЛАР

ТОШКЕНТ
ЧЎЛПОН
НАШРИЁТИ

Тўпловчилар ҲАСАН ҲУСНУ АРДАМ
ва АЛЛИЙУЛ-ҚОРИЙ

Туркчадан Усмон Қўчқор таржимаси

Масъул муҳаррир Абдулазиз Мансур

Нашр учун масъул РУСТАМ САФО ўғли

ISBN 5-8250-0407-6

Т 0403000000-55 — қўшимча 94
360 (04) 94

© Туркия Диннат ишлари вазирлиги, Анқара, 1987.
© "БЕҲЗОД" фирмаси, 1994.

*Оқсақининг Содиқлар мадрасаси мударриси,
отам ва устозим Ҳожи Содиқ ҳамда бобом
Шайх Ҳасан. Афандиларнинг азиз руҳларига
бағишлайман.*

Ҳ. Ҳ. АРДАМ

СЎЗБОШИ

Диндош биродарларимга кичик бир хизмат қилиш мақсадида Абдуррауф Муновий нинг "Ал-итҳофотус-саниййа бил-аҳодисил-қудсиййа" номли асарини асос қилиб олганимиз ва ушбу мавзудаги бошқа мўтабар асарлардан ҳам фойдаланганимиз ҳолда мазкур таржимани тайёрладик ҳамда унинг аввалида Исломи динининг асосий манбаларидан бўлган Қуръони карим билан аҳодиси Қудсиййа ва Набавиййа орасидаги фарқларни кўрсатадиган бир муқаддима ёзишни фойдали деб билдик.

Қуръони карим билан ҳадиси Қудсий ва ҳадиси Набавий орасидаги фарқлар.

Аллоҳ таоло ҳазратларига нисбат қилинган калом уч қисмдан иборатдир:

1. Бу каломнинг энг шарафлиси бўлмиш Қуръони каримдир. Чунки у кўп жиҳатлари ва таъсирига кўра бошқа сўзлардан устун туради. Дунё тургунча мўъжиза бўлиб қолаверади, табдил ва тағйирнинг унга даҳли йўқ. Қуръони каримнинг таҳоратсиз ушланиши ва жунуб (новуқсиз) ҳолда ўқилиши ҳаромдир. У маънан ривоят қилинмайди, намозда ўқилади; ундан бошқа нарса ўқилмайди. Унга Қуръон ва Фурқон номлари берилган. Ҳар

Абдуррауф Муновий (1545—1622 милод.)—XI асрнинг таниқли муҳаддисларидан ва Шофийи фақиҳларидан бири. Адабий илмларни отасидан, ҳадис, фиқҳ, адабиёт ва бошқа фанларни Шамси Рамлийдан ўрганган, замондошларидан ҳеч бир кимсага насиб бўлмаган илм ва маърифатнинг турли-туман соҳаларини ўзида жам этган закий бир зотдир. Ўз ҳаётини тадрис ва таълифга бахш этган, ҳадис, сувар, фиқҳ, тиб, тарих, имсол, биология, наботот, тасаввуф ва таширҳа доир юздан зиёд асарлар ёзган "Файзул-қодир" номли олти жилдлик улкан шарҳи ва унинг мухтасар шаклдаги икки жилдлик "Ал-тайсир" ҳамда ўн минг ҳадиси шарифни жам этган "Кунузул-ҳақойиқ", Ибн Синонинг руҳ ҳақидаги "Аннафсул-айниййа" қасидасига шарҳи ва Садаги Софийянинг таржимани ҳолига оид "Ал-кавокибуд-дурриййа" ва "Асмон ҳусно" шарҳи машҳурдир.

952 ҳижрийда туғилиб, 1031 йилда Қоҳирада вафот этган, жанозаси Жомъул-Азҳарда ўқилган.

ҳарфида ўн жило бордир. Имом Аҳмаддан бир ривоятга кўра уни сотмоқ ҳам жоиз эмас ва биз учун ҳам бу макруҳдир.

Қуръондаги ҳар бир жумлага — оят ва оятлардан ташкил топган қисмларга сура номи берилган. Ҳолбуки бошқа китоблар билан қудсий ҳадислар учун бу васфлардан ҳеч бири собит эмас; уларнинг таҳоратсиз ушланиши ва жунуб ҳолда ўқилиши гуноҳ саналмайди. Буларнинг намозда ўқилиши ҳам қироат номига кофий эмасдир. Намозни бузади. Буларга Қуръон дейилмайди ва буларни ўқиганларга ҳар ҳарфи учун ўн савоб ҳам берилмайди.

2. Жаноби Ҳаққа нисбат қилинган каломнинг иккинчиси — табдил ва таҳрифдан аввалги кутуби Анбиёдир.

3. Учинчи қисм — Қудсий ҳадислардир. Ҳадиси қудсий Пайғамбаримизнинг Аллоҳга шаҳодат келтириб, Ундан оҳод тариқасида нақл этган ҳадисларидир. Зеро, бу ҳадислар Аллоҳнинг каломи бўлиб, аксар ҳолларда Аллоҳ таолога муснад қилинади. Ҳадиси қудсий Аллоҳнинг нис-бати, Ундан содир бўлган жиҳатлардир. Зеро, унинг маъноси Аллоҳдандир.

Иккинчи даражада Каломи Илоҳий, шунингдек ҳадиси Раб-боний туради; улар Аллоҳ таолодан хабар бериш эътибори билан ҳам Пайғамбар алайҳиссаломга нисбат берилади. Қуръони карим эса фақат Аллоҳга изофа қилинади. Қуръон нақл этилганда "Аллоҳ шундай деб буюрди",—дейилса, ҳадиси қудсийда "Расули Акрам Аллоҳдан ривоят қилган сўзда Аллоҳ таоло шундай деб буюрди",—дейилади.

Ҳадиси қудсийдан бошқа ҳадислар ваҳйи илоҳий билан келганми ёки йўқми деган масалада ихтилофлар бор. "Расулуллоҳ ўз-ўзидан сўзламас, унинг сўзи унга ваҳй этилган бир ваҳийдир",— маолидаги ояти карима ваҳй ила содир бўлганлигини таъкидлайди. Худди шу сабабдан ҳам Расули Акрам жанобимиз: "Хабарингиз бўлсинким, менга Китоб — Қуръон берилди ва шунинг баробаринда Унинг бир тимсоли ҳам берилди",— деганлар.

Қудсий ҳадислар ваҳйи сифатларидан бири билан чекланиб қолмайди. Уларнинг туш (рўё), дил илҳоми ва ёки малак лисони каби ҳар хил сабаблар билан ваҳй бўлиши жоиздир.

Қудсий ҳадисни ривоят этадиган киши қўллайдиган икки хил таъбир бор:

1. Расули Акрам жанобимиз Аллоҳдан ривоят этган сўзда шундай деб буюрдилар... демақдир. Бу салафларнинг қўллаган таъбиридир. Муҳйиддин Нававий ҳазратлари ушбу таъбирни ихтиёр этганлар.

2. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг Аллоҳдан ривоят этишларига кўра, Аллоҳ таоло шундай деб буюрган... деган таъбирдир.

Ҳар икки таъбирнинг маъноси айнандир.

Абул Бақо "Куллиёт"ида қудсий ҳадиснинг Қуръони каримдан фарқини шундай изоҳлайди: "Ҳам лафзи, ҳам маъноси ваҳий жалиӣ ила Аллоҳдан нозил бўлганга Қуръон, лафзи Пайғамбардан, маъноси эса илҳом ёки рӯё сурати ила Аллоҳдан келганга ҳадиси қудсий дейилади".

Баъзиларнинг фикрича, Қуръон мўъжиза бўлиб, Жаброил воситаси ила нозил бўлган лафздир, ҳадиси қудсий эса, мўъжиза бўлмагани каби ҳадисларга Қудсий, Илоҳий, Раббоний ҳадис дейилади. Тибийнинг фикрича, Қуръон - Жибрили Аминнинг ҳазрати Пайғамбарга келтирганидир. Ҳадиси қудсий эса Аллоҳнинг Пайғамбарга рӯё ёки илҳом ила хабар бергани маънодир. Расули Акрам жанобимиз уни ўз таъбири ила умматига таблиғ этган. Аҳодиси (яъни ҳадислар) Набавийа эса тўғридан-тўғри Пайғамбарнинг сўзидир. Пайғамбарнинг ҳадислари нотик ва адибларнинг сўзларидан жуда юксак туриши билан бирга, уни ҳатто оғиздан-оғизга ўзгартириб тарқатувчиларга ҳам ижозат йўқдир. Пайғамбар алайҳиссалом уларни Аллоҳга изофа ва муснад этмагани каби, Аллоҳ номидан ҳам ривоят этмаган.

Хуллас, ҳадиси Қудсий Жаноби Ҳаққа, ҳадиси Набавий эса Ҳазрати Пайғамбарга нисбат қилинган каломдир.

ҲАДИСИ ҚУДСИЙ МАЖМУАЛАРИ

Ҳадиси қудсийларнинг сони юздан ошиқдир. Баъзи ҳадис билимдонлари уларни алоҳида бир асарга тўплаганлар.

Бу борада ёзилган асарларнинг асосийлари қуйидагилардир:

1. "Ал-итҳофотус-саниййа бил-аҳодисил-қудсиййа": Абдуррауф Муновий. Ҳазрати Пайғамбарнинг лисонлари ила ифодаланган қудсий ҳадислардан 272 таси жамланган. Асар 1354 йилда Мисрда босилган.

2. "Мишкотул-анвор фи мо рувийа аниллоҳи субҳонаҳу минал-ахбор": Шайх Муҳйиддин Ҷарабийнинг 599 йилда Маккада тўплагани қирқ қудсий ҳадисдир. Кейинчалик бир юзу биргача етказган.

3. 319 ҳадиси қудсий мажмуаси: уламодан янги шаҳарли Жоруллоҳ Валийуддин (вафоти — 1151).

4. "Ал-аҳодисул-қудсиййа": Алийул-Қори (1014). Қирқ қудсий ҳадисдир. Камина туркчага таржима қилганман.

5. "Ал-итҳофотус-саниййа бил-аҳодисил-қудсиййа": Қирқ ҳадисга доир бўлиб, уч боб ва бир хотима ила тартиб этилган, 239 саҳифадан иборат, 1323 йилда Ҳайдарободда босилган.

6. "Ал-арбаъин фир-ривояти ён Раббил-оламин": Тоқийуддин Муҳаммад бин Дақиқ ал-Мисрий (вафоти 702).

7. "Ал-балоғул-мубийн фи аҳодисил-қудсиййа ён Саййидил-Мурсалин": Шофий уламосидан Саййид Халаф бин Абдулмутталиб ал-Ҳувайзий.

8. "Итҳофус-саниййа фи аҳодисил-қудсиййа": Машо-йнхи Қодириййа фузалосидан трабзонли Маҳмат Маккий (вафоти — 1191).

9. "Дурратус-самийна фи аҳодисил-қудсиййа": Уламодан ишқодрали Иброҳим Сидқий (вафоти-1244).

10. "Ан-нафҳатул-унсиййа фи аҳодисил-қудсиййа": Вазийҳуддин Абдурраҳмон ал-Ойдарусий.

11. "Мифтоҳул-кунуз ва мисбоҳур-румуз": Ҳусайн бин Аҳмад Табризий. Қирқ ҳадиси қудсий.

12. "Ат-туҳфатул-марзиййа фи ахборил-қудсиййа": Шайх Абдулмажид Мисрий. Асар 1303 йилда Мисрда чоп қилинган.

ҲАДИСДА АРБАӢИН

Бир қанча манбалардаги турли-туман ривоятлар орқали келган бир ҳадисда Расули Акрам ҳазратимиз: "Ҳар бир киши дин ишларига (суннатимга) оид қирқ ҳадисни ёд олиб ва ёзиб умматимга таблиғ этса, Аллоҳ таоло ҳазратлари уни фақиҳлар ва олимлар зумрасига қўшгай", — деганлар ва Абуд-Дардо разияллоҳу анҳунинг ривоят қилишича: "Мен қиёмат кунида унга шафоатчи ва ёнини олишга шоҳид бўлгайман", — деб таъкидлаганлар.

Ҳазрати Али, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Муоз ибн Жабал, Абуд-Дардо, Абдуллоҳ ибн Умар, Абдуллоҳ ибн Аббос, Анас ибн Молик, Абу Ҳурайра ва Абу Саид ал-Ҳудрий разияллоҳу анҳум ҳазратларидан турли ривоятлар орқали бизгача етиб келган бу ҳадиснинг заиф эканлигига муҳаддислар ҳамфикр бўлишлари билан бирга, фазоили аъмолга оид бўлган заиф ҳадисга амал қилмоқнинг жоизлигини баробар тасдиқлайдилар.

Бу ҳадисдаги ваъда қилинган саодатга, шафоатга эришмоқ учун муҳаддислар ва олимларнинг жуда кўпчилиги қирқ ҳадисни жамъ қилиб нашр этганлар. Муҳйиддин Нававий ва Мулла Жомий қирқ ҳадиси Набавийни, Алиййул-Қори ҳам қирқ ҳадиси қудсийни шу умидда ёзганларини айтадилар.

Ҳар бир мусулмоннинг Расули Акрам ҳазратимизнинг муборак сўзларидан ҳеч бўлмаганда қирқ донасини ўрганиб, бошқаларга ҳам ўргатиши бу саодатга эришишнинг восиласи бўлади. Диний билимлар ҳар бир мусулмонга фарз бўлгани каби, билганини нашр этиш ва сўраганлардан дариг тутмаслик ҳам диний бир вожиблиқдир. Дин илми бўлган илми ҳадисни ҳифз ва таблиғ этмоқ фарзи кифоядир.

Расули Акрам ҳазратимиз ўзлари таблиғ этишни буюрган исломий умдалар ва ҳукмларнинг зиёсидан безовта бўларкан, Ҳузури Рисолатга ҳозир бўлганлар томонидан уларнинг ёд олиниб, бу ерда бўлмаганларга таблиғ этилишига ниҳоятда катта аҳамият берардилар. Бир қанча хитобларида, хусусан, ўттиз еттига яқин саҳобанинг ривоятига кўра, Видо ҳажиди Арафотда мингларча ҳужжожга ирод этилган хутбасининг жуда кўп ўринларида:

"Сизга Аллоҳнинг амрларини таблиғ этдимми?"- дея сўраркан:
— Балли, таблиғ этдинг, ё Расулуллоҳ! — жавобини эшитгач:

"Шоҳид бўл, ё Рабб!— дея Аллоҳ таоло ҳазратларини шаҳодат этганларидан сўнг:

"Асҳобим, сўзларимни бу ерда бўлганларингиз бўлмаганларингизга етказинг, уларга ўргатинг",— деб буюрганлар.

Машҳур ҳадис имомларидан бири Термизийнинг Зайд ибн Собит ҳазратларидан ривоят қилиб, саҳиҳдир, дея шаҳодат этгани бир ҳадисда: "Менинг сўзимни эшитиб ёд олган, сўнгра уни қандай бўлса шундайлигича бошқаларга таблиғ этганларнинг юзини Аллоҳ ёруғ қилсин, зеро, неча кимсалар борким, ҳомил бўлганлари фикҳни ўзларидан ҳам анча фақиҳ бўлганларга етказадилар",— деганлар.

"Менинг номимдан Қуръондан бир оят бўлса-да таблиғ этингиз",— тарзидаги амр ва ташвиқоти Набавийга бўйича дин олимлари ўз илм ва кучлари етгани қадар Аҳодиси Набавийани нашр этиб оммалаштирганлар.

Қирқ ҳадиси шарифни ўргатганлар ҳақида Пайғамбарнинг ваъда қилган шафоат ва хайрли дуоларига эришмоқ умиди билан ҳадиси арбаъин (қирқ ҳадис) ёзган уламо ва муҳаддисларнинг асарларини санаб адоғига етиб бўлмайди. "Кашфуз-зунун" ва унинг иловаси бўлмиш "Изоҳул-макнун"да 95 га қадар ана шундай асардан баъхс юритилади.

Нававий раҳматлининг "Ҳадиси арбаъин" асари муқаддимасида баён этилишича, "Ҳадиси арбаъин"га доир илк асар ёзган киши Абдуллоҳ ибн Муборак ҳазратларидир.

Кимдир диннинг асосларига, кимдир ибодатга, кимдир аҳкомга, кимдир мавъизаларга, кимдир Қуръоннинг фазилатига, кимдир адолатга, кимдир ҳажнинг фазилатига, кимдир маснади олий бўлгани ҳадисларга доир тўпламлар яратган.

Булардан Шом мударрисларидан Муҳйиддин Нававий диннинг усул ва фурувига, Шаҳобиддин ибн Ҳожари Ҳайтамий адл ва адолатга, машҳур муҳаддислардан Ибн Асокир узун ҳадислардан танлаб ҳазрати Пайғамбаримизнинг нубувватига, ҳадис имомларидан бири бўлмиш Байҳақий ахлоққа, Байрут Маҳкамаси раиси Юсуф Наҳбоний Саййидул-Мурсалин ҳазратимизнинг фазилатларига ва амирулмўъмининига итоат этиш вожиблигига, Афсаҳул-Оламийн Ҳазратимизнинг масъулиятларига, Баҳоаддин Омиллий Аҳли Байт (Пайғамбаримизнинг оиласи) ва нубувватга, муҳаддис Абдулазим Мунзир мусулмонлар эҳтиёжларини таъмин этишнинг фазилатларига, Шайх Абдуллоҳ ибн Сувайдонил-Мисрий рамазоннинг фазилатларига, Имом Сўйутийнинг мумтоз шогирдларидан бўлмиш Юсуф Армиюн Ихлос сурасининг фазилатига.

Тошкўпрулизода Пайғамбарнинг ҳазил ва латифаларига, ихёул-улум ва қомус шарҳчиси Саййид Муртазо арафа кунининг фазилатига, Алиййул-Қори никоҳ аҳкомига, Қуръони қаримнинг фазилатларига, Пайғамбаримизнинг икки калимали мухтасар ҳадисларига, Ат-Тихомиййул-Маданий ҳажнинг, закотнинг ҳамда Пайғамбарга салот ва саломнинг фазилатига, булардан ташқари ҳадис имомларидан Абу Нуайм, Доруқутний, Ҳеравий, Абул-Футуҳ, Ҳамадоний, Саъдаддин Тафтазоний, Суйутий, Бадриддин Табризий, Шаҳобиддин Ҳалабий, Мулла Жомий, Ибн Толон, Ибн Ҳажари Асқалоний, Ибн Камол Пошо, Имом Бирғивий, руҳулбаён соҳиби Исмоил Ҳаққий, Ўқчизода Маҳмат Шоҳий кабилар ахлоқий-ижтимоий ва бошқа мавзуларга доир арбаъинлар тартиб этишган. Барчаларидан Аллоҳ рози бўлсин.

"Қирқ қудсий ҳадис" номли асаримизда ҳадис ривоят қилган зотларнинг қисқача таржимаи ҳолларини ёзган эдик. Ушбу асарда ҳам юқорида номи зикр этилган асаримизда таржимаи ҳоллари берилмаган зотларни ёзмак ва ёшларимизга Ислому буюкларни ҳақида қисқача маълумот бермакни лозим кўрдик.

Ҳ. Ҳ. Ардам



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/5554> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/5554> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/5554>